

Тавбадан кейин солиҳ амал қилишга тарғиб | Тазкия дарслари (302-дарс)



19:00 / 12.10.2024 2506

Аллоҳ таоло шундай марҳамат қилади:

﴿رَحِيمٌ غَفُورٌ اللَّهُ إِنَّ عَلَيْهِ لَيَتُوبُ اللَّهُ فَإِنَّ وَأَصْلَحَ ظَلَمِهِ. بَعْدَ مِنْ تَابَ فَمَنْ﴾

«Ким зулмидан кейин тавба этса ва ислоҳ қилса, Аллоҳ албатта тавбасини қабул қиладир. Албатта, Аллоҳ ўта мағфиратлидир, ўта раҳмлидир» (Моида сураси, 39-оят).

Муслмон одам учун ёмонликдан қайтишнинг ўзи кифоя қилмас экан. Ёмонликдан қайтиш билан бирга, яхшилик амалларни қилиши ҳам зарур экан. Чунки ёмонликни қилмай қўйиб, юраверса, орада бўшлиқ пайдо бўлади ва бу бўшлиқ уни яна ёмонликка қайтариши мумкин. Шунинг учун

ҳам яхшилик қилиш тавбани қабул этиш шартларига қўшилмоқда.

Бу ҳақда Аллоҳ таоло шундай марҳамат қилади:

عَفْوُ اللَّهِ فَإِنَّ وَأَصْلَحُوا ذَلِكَ بَعْدَ مِنْ تَابُوا الَّذِينَ إِلَّا (٤) الْفَاسِقُونَ هُمْ وَأُولَئِكَ أَعْدَاءُ شَهْدَةٍ هُمْ نَقَبَلُوا وَلَا جَلْدَةَ تَمَنِينَ فَاجْلِدُوهُمْ شَهْدَةً بِأَرْبَعَةٍ يَأْتُوا لَكُمْ الْمُحْصَنَاتِ يَرْمُونَ وَالَّذِينَ



«Покиза аёлларга (бўхтон) тоши отиб, сўнгра тўртта гувоҳ келтира олмаганларни саксон дарра уринглар ва уларнинг гувоҳлигини абадий қабул қилманглар. Ана ўшалар фосиқлардир.

Бундан кейин тавба қилиб, ўзини ислоҳ қилганлар мустаснодир. Зеро, Аллоҳ ўта мағфиратлидир, ўта раҳмлидир» (Нур сураси, 4-5-оятлар).

Қуръони Карим бўхтончини «фосиқ», яъни Аллоҳнинг амридан чиққан одам деб васф қилмоқда. Бу жуда ёмон сифатдир. Энди бундай одам фақат ихлос билан тавба қилгандагина ва ўзини бутунлай тузатгандагина фосиқликдан чиқиши мумкин. Шунда унинг гувоҳлиги яна қабул қилинадиган бўлади.

Демак, бўхтончининг фақат тавба қилиши кифоя эмас. Балки ўзини ўнглаганини жамият аъзоларига амалда кўрсатиши ҳам зарур. Бунинг учун покиза одамни қаерда, кимларнинг олдида, қандай қилиб зинода айблаган бўлса, ўша ерда, ўша одамларнинг олдида, ўшандай қилиб поклайди ва ўзини қоралайди. Сўнгра тавба қилади.

Жамият уни бир йил давомида кузатади. Шу муддат ичида чиндан ҳам ўзини тузатиб, шариатга хилоф ишларни қилмаса, ундан «фосиқ» номи олинади ва гувоҳлиги қабул қилинадиган бўлади.

«Руҳий тарбия» китобининг 2-жузи асосида тайёрланди

Ушбу китоб Ўзбекистон Республикаси Дин ишлари бўйича қўмитанинг 2021 йил 14 апрелдаги 03-07/2439-рақамли хулосаси асосида чоп этилган.